

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
МАРКАЗИ
“ПЛЕМЭЛИТА” ИИБ ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:636.088.3.636.933.2.637.5.

АБДУРАХМОНОВ АБДУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВИЧ

ҚОРАКЎЛЧИЛИҚДА ҚЎЗИ ГЎШТИНИ ЕТИШТИРИШ ВА
УНИНГ РЕСУРСЛАРИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

06.02.04 – Хусусий зоотехния; чорвачилик маҳсулотларини ишлаб
чиқариш технологияси

қишлоқ хўжалик фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2012

Иш Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Илмий рахбар:

қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
Бобокулов Насилло Асадович

Расмий оппонентлар:

қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
профессор Мақсудов Илхом Мақсудович

Етакчи ташкилот:

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
Ходжибеков Суюн Сартаевич
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ҳимоя “Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Д.020.33.01 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил “___” соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 111212, Тошкент вилояти Қибрай тумани, “Қизил шалола” П/б. Факс: (8-370)95-65-335. E-mail: info@animal.uz

Диссертация билан “Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти кутибхонасида ва www.uzanimal.uz сайтида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “___” _____ да тарқатилди.

Д.020.33.01 бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.

Б.У.Насириллаев

1.Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги” қарори ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорларида, чорвачилик маҳсулотларини, хусусан гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг арзон ва сифатли гўшт маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш борасида Республикаимизнинг барча тоифадаги чорвачилик хўжаликлари зиммасига жуда катта вазифалар юкланди.

Қоракўл қўйларининг гўшти юқори каллориялиги, тез ҳазмланиши ва ўзига хос хуш таъмлилиги билан ажралиб туради ва унга бўлган талаб асрлар давомида ўз қийматини йўқотмаган. Қоракўл қўйларининг гўштига бўлган талаб нафақат қоракўлчилик ривожланган вилоятларда, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб жуда юқоридир. Республикаимизнинг гўшт балансида қўй гўштининг салмоғи 20 фоизни ташкил этган бир вақтда, унинг 70 фоизга яқинини қоракўл зотли қўйлар гўшти ташкил қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва маҳсулотнинг рақобатбардошлиги асосий меъзон саналган бир вақтда гўшт, жун ва пўстин хом-ашёсини ишлаб чиқаришда қўйларнинг биологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб хўжалик юритишнинг янги технологияларини ишлаб чиқариш ва жорий қилинишини илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимиз қоракўлчилик хўжаликларида қўзилатиш мавсумида ўстиришга қолдирилган эркак қўзиларнинг 20-25 фоизини барра сифати ўзгарувчан бозор конюктураси талабларига жавоб бермайдиган қўзиларни ташкил қилади.

Бундай қўзиларни қишлоғга қолдириш ва уларни келгуси йилнинг кузигача сақлаш, озиқлантириш яйловларга тазйиқнинг ошишига, зооветеринария хизмати кўрсатишга ва бошқа қатор тадбирларга, сарф-харажатларнинг ошиб кетишига ва натижада соҳада рентабеллик даражасининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўзи гўшти ишлаб чиқаришда ёш организмнинг ўсиш энергиясидан унумли фойдаланишга асосланган уларни жадал ўстириш, яйратиб боқиш, бўрдоқилаш ва яйловларда қўй сиғимини камайитиришнинг самарали тизимини ва технологик услубини ишлаб чиқиш ва пировард натижада аҳолининг арзон, тўйимли ва парҳезбоп гўштга бўлган талабини тўлароқ қондириш ҳамда қоракўлчилик хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ўта долзарб ва муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Барра сифати, бозор талабларига жавоб бермайдиган ўстиришга қолдирилган эркак қўзиларни

турли энергетик қийматдаги озуқалар билан озиқлантирилганда, уларнинг ўсиши, ривожланиши, ёш кўзиларнинг ўсиши давомийлиги потенциалидан фойдаланиб уларнинг гўшт маҳсулдорлиги кўрсаткичлари ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ишлари Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг 2009–2011 йилларга мўлжалланган тематик режаларнинг КХА-10-049 лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Қорақўлчиликда янги иқтисодий ислохатлар шароитида оналаридан ажратилган эркак кўзиларнинг шу йилнинг ўзида бўрдоқиланиши, уларнинг сақланиши, парваришлашни такомиллаштириш тизими яйловларда қўй сиғимини камайтириш ва пировард натижада улардан маҳсулот олинishiга қаратилган самарали технологиялар тизимини ишлаб чиқиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланиб, ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- тажриба ўтказиладиган кўзиларнинг ўсиши, ривожланиши ва бўрдоқига боқишнинг самарали тизими ва технологиясини ишлаб чиқиш;
- кўзиларни қўшимча озиқлантиришнинг муайян муддатлари, бўрдоқилашни бошлаш вақти ва бўрдоқиланадиган кўзиларнинг бошланғич оптимал тирик вазнини аниқлаш;
- гўштга боқиладиган кўзилар рационидаги маҳаллий дағал ва омукта озуқаларининг мутаносиб таркиби ва озуқа таёрлашнинг қулай вариантларини аниқлаш;
- тажрибадаги кўзилар оналарининг сут маҳсулдорлигини ўрганиш;
- тажрибадаги кўзиларнинг тирик вазн динамикаси ва уларнинг абсолют ва нисбий ўсиш кўрсаткичларини ўрганиш;
- кўзиларнинг барра тери хусусиятларини ўрганиш;
- ёши бўйича ички органларининг ривожланишини ўрганиш;
- тажрибадаги ҳайвонларнинг қорақўл тери, гўшт, жун, пўстинбоб тери маҳсулдорлигини ўрганиш;
- тажрибадаги кўзиларнинг ҳаётчанлигини ўрганиш;
- тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Турли энергетик қийматда озиқлантирилган қорақўл кўзилари.

Тадқиқот методлари. Зоотехникавий ва биологик усуллар.

Тадқиқот гипотезаси. Қорақўл зотли совлиқлар бўғозлигининг иккинчи ярмида (январ-феврал) яйлов озуқалари таркибида тўйимли моддалар тақчиллиги бошланган пайтда протеинга бой озуқалар билан қўшимча озиқлантириш кўзиларнинг эмбрион ва постэмбрион ривожланишини, ўсишини, совлиқларнинг сутдорлигини ва ёш кўзиларнинг жадал ўсиши давомийлигини узайтиради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар: Қорақўл совлиқларини бўғозлигининг иккинчи ярмида озиқлантириш хусусиятлари, кўзиларни қўшимча озиқлантириш, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, ўсиш тезлигининг давомийлиги потенциалидан фойдаланиш, ёш кўзиларни

бўрдоқилаш, уларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва қоракўл кўзиларини бўрдоқига боқишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Илмий янгилиги: Қоракўлчилик хўжаликлари шароитида илк маротаба бозор конъюктураси талабларига жавоб бермайдиган барра типига эркин кўзиларни бўрдоқилашнинг самарали тизими ва технологияси ишлаб чиқилиб, бўрдоқиланаётган кўзиларнинг рацонидаги озикаларининг мутаносиб таркиби аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қоракўлчиликда биринчи бор, барра сифати бозор талабларига жавоб бермайдиган эркин кўзиларни жадал ўстириш, ёш организмнинг ўсиш энергиясидан рационал фойдаланиб, кам меҳнат сарфи, моддий – техник воситалари ва маблағ сарфланиб кўзи гўшти, жун ва пўстин маҳсулдорлигини оширувчи технология тизими ишлаб чиқилишида ҳамда тармоқнинг самародарлиги ва рентабеллиги ошишида намоён бўлди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги “Қарнаб ота” қоракўлчилик наслчилик заводида жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича-7 та илмий мақолалар, шу жумладан 2 таси илмий журналларда чоп этилган.

Ишнинг синовдан ўтганлиги:

- Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги “Қарнабота” қоракўлчилик наслчилик заводи чорвадор-мутахассислари иштирокидаги семинарда (Қарнаб, 2009 йил);

- Самарқанд вилоят қоракўлчилик хўжаликлари раҳбар ва мутахассислари иштирокидаги “Вилоятда қоракўлчиликни ривожлантиришнинг 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастури ижросини таъминлаш”га бағишланган семинарда (Самарқанд 2010 йил);

Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институтида ўтказилган тўртинчи халқаро илмий конференцияда (Самарқанд 2011 йил)

- Самарқанд вилоят чорвачилик фермер хўжаликлари ва Германия республикаси “Agralis” фирмаси мутахассислари иштирокидаги семинарда (Самарқанд 2010 йил);

Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси ИТИ илмий кенгашида (Самарқанд 2011 йил);

Ўзбекистон Чорвачилик ИТИ ҳузуридаги Д.020.33.01 бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда (2012)

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 123 бет компьютер текстида ёзилган ва кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотни бажариш шароити, манбаи ва услублари, хусусий тадқиқотлар натижалари, тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги, хулосалар ва амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлимларидан иборат. Тадқиқот натижалари 33 та жадвал ва 22 та расмда умумлаштирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 187 номдан иборат бўлиб, шундан 9 таси чет эл манбаларидир.

2. Асосий қисм

2.1. Тадқиқотни бажариш шароити, манбаи ва услублари.

Тадқиқотлар 2009-2011 йилларда Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Қарнаб ота» қорақўлчилик наслчилик заводида урчитилувчи тоза зотли қорақўл қўйларида бажарилди.

Тажрибадаги совлиқларнинг барчаси бир хил озуқалар билан озиқлантирилганлиги ва бир хил яйлов шароитида сақланганлиги сабабли, тажрибадаги ва назорат гуруҳидаги ҳайвонлар рационидagi дағал хашак ва яйлов озуқаси ҳисобга олинмади. Фақатгина I ва II гуруҳлардаги совлиқлар бўғозлигининг иккинчи ярмидан бошлаб мутаносиб равишда 1 ва 2 диета асосида 0,25 кг миқдорида концентрат аралашмаси билан қўшимча озиқлантирилди.

Қўзилаштиш даврида ҳозирги кун бозор талабларига жавоб бермайдиган барра типли эркак қўзилардан ҳар бири 20 бошдан 3 гуруҳ қўзилар ажратиб олиниб, улардан икки гуруҳи бир хил энергетик қийматга (изокалорик) эга бўлган, фақатгина таркибидаги протеин миқдори ҳар хил бўлган рацион асосида озиқлантирилади.

Тажрибадаги I гуруҳ (20 бош) қўзилар 1- диета асосида, (1-жадвал) 2,5 ойлигидан бошлаб аввал оналари билан биргаликда (10 кун), қўзилар концентрат озуқани истеъмол қилишга ўргангандан сўнг алоҳида озиқлантирилди.

II гуруҳдаги қўзилар (20 бош) эса 2- диета асосида (2-жадвал) худди 1 гуруҳдаги қўзилар каби озиқлантирилди.

III гуруҳдаги қўзилар (20 бош) эса назорат гуруҳи ҳисобланиб, улар хўжаликнинг одатдаги шароитида парваришланди.

I ва II тажриба гуруҳидаги қўзилар қўшимча озиқлантирилганидан сўнг назорат гуруҳидаги қўзилар каби оналари билан бирга, бир хил яйлов шароитида сақланди.

Хўжалик сурувидаги қўйларни инфекцион ва инвазион касалликларга қарши вакцина ва эмламалар билан эмлаш туманнинг ветеринария-санитария тадбирлари режаси асосида ўтказилди.

Яйловларда ўсимликлар сарғайганидан сўнг тажриба ва назорат гуруҳидаги қўзилар А, Е ва Д витаминлар (тетровит) билан ҳар 15 кунда бир марта такрорий эмланиб борилди.

Тажриба ўтказилаётган I ва II гуруҳ қўзилар 2,5 ва 4,5 ойлик ёшида белгиланган меъёр ва диета бўйича концентрат озуқалар билан қўшимча озиқлантирилди.

Тана ўлчамлари ўлчов таёғи ва лентаси ёрдамида, тана тузилиш индекслари зоотехнияда умум қабул қилинган формулалар орқали аниқланади (Костомахин Н. М. 2006)

Тажрибадаги қўзилар оналарининг сут маҳсулдорлиги уларнинг туғилганидан 20 кунлик ёшигача бўлган даврдаги тирик вазни фарқи бўйича, яъни, 1 кг тирик вазни ўсишига 5 л она сути сарфланиши ҳисобида аниқланди.

Қўзиларнинг барра тери кўрсаткичларини баҳолаш «Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юргизиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича кўлланма» (2000й) асосида амалга оширилди.

Қоракўл териларнинг товарлик хусусиятлари Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти услуги (И.Н Дьячков.М.Д Зокиров Р.Т.Письменная 1963 й) асосида аниқланди. Қоракўл териларининг сатҳ ўлчамлари (см²) уларнинг дум асосидан бўйин асосигача ҳамда, энини ўлчов лентаси ёрдамида ўлчаш ва кўрсаткичларини кўпайтириб, массасини медицина тарозисида ўлчаш, тери мустаҳкамлиги ва қалинлигини органалептик усулда, нав ва ассортиментини 641-95 рақамли «Ошланмаган барра қоракўл терилар» Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти (Тошкент 1996) талаблари асосида ўрганилди.

Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги Бутунроссия чорвачилик институти услугида (А.А.Вениаминов, С.В.Буйлов, Р.С.Хамицаев ва бошқалар 1978 й) асосида ўрганилди.

Жун маҳсулдорлигини, тажрибадаги қўйларнинг индивидуал жун қирқими миқдорини пружинали тарозидида тортиш, узунлигини миллиметрли линейкада ўлчаш, тоза тола чиқими, морфологик таркибини фракцияларга ажратиш (тивит, оралик тола ва қилчик) Бутунроссия чорвачилик илмий тадқиқот институти услуги (В.В Калинин М.М Мутаев А.А Мглинец, 1970 й) асосида ўрганилди.

Ички органларининг ривожланиши (оғирлиги ва ҳажми) (юрак, ўпка, жигар, талок, буйрак, қорин, ширдон, қатқорин, йўғон ва ингичка ичак узунлиги туғилган вақтда, 2,5 ва 4,5 ойлик ёш даврларида ўлчаш ёрдамида аниқланди.

Қўзиларнинг ҳаётчанлиги уларнинг туғилганидан 18 ойлигигача бўлган даврдаги чиқими ҳисобга олиниб ўрганилди.

Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги тажрибадаги ҳайвонларни сақлашга сарф этилган харажатлар ва олинган маҳсулотларнинг сони ва сифати асосида умум қабул килинган услубда аниқланди.

Тажрибада олинган маълумотлар вариацион статистика усулларида қайта ишланди (Н.А.Плохинский 1969), ҳар бир белгининг ўртача арифметик кўрсаткичи (М) унинг хатоси (m) ўзгарувчанлик коэффиценти (С%) ҳисобланди. Гуруҳлар кўрсаткичлари орасидаги фарқланишларнинг ишончлилик даражалари (Р) аниқланди.

2.2. Қоракўл совлиқларининг яйлов озукалари билан озиқланиши, унинг тўйимлилиги ва озиқланиш даражаси. Қоракўл қўйларини йил давомида яйловда сақлашнинг ҳам биологик, ҳам ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан энг оғир ва маъсулиятли даври бўғоз совлиқларни қишловдан чиқариш бўлиб, йилнинг бу даврида қўйлар организми сарф этадиган энергия манбаини фақат яйлов озукаларидан олишади, уларнинг тўйимлилиги 100 кг қуруқ массада 30 озуқа бирлигидан ошмайди. (В.П.Субботин, М.Авуджи [184]).

Татқиқот тажрибалари СХЕМАСИ

СОВЛИҚЛАР

**I – ТАЖРИБА
ГУРУХИ**
n = 79
Яйловда + диета - 1

**II-ТАЖРИБА
ГУРУХИ**
n= 78
Яйловда + диета 2

**НАЗОРАТ
ГУРУХИ**
n= 80

**Хўжалик
шароитида**

АВЛОДЛАР

I- ТАЖРИБА
n= 82
Яйловда+диета - 1

II- ТАЖРИБА
n = 83
Яйловда+диета 2

НАЗОРАТ
n= 80
**Хўжалик
шароитида**

МАХСУЛДОРЛИК

Мавсумлар бўйича яйлов хосилдорлиги ва озуқа сифати	Ёш қўзиларнинг тирик вазни	Ёш қўзиларнинг ўсиши ва ривожланиши (хар ойда)	Гўшт махсулдорлиги	Гўшт сифати (кимёвий таркиби, таъам сифати ва коллориялиги)	Ички органларнинг ривожланиши	Қоракул тери сифати	Жун махсулдорлиги
--	----------------------------	---	--------------------	--	----------------------------------	---------------------	-------------------

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК

Совлиқлар бўғозлигининг биринчи ярмида яйловдан нафақат ўзининг организми учун балки, ҳомиласининг ривожланиши учун етарли миқдордаги озуқани тўплайди, ҳатто уларнинг тирик оғирлиги ҳам ошиши мумкин. Аммо совлиқлар бўғозлигининг иккинчи ярми яйлов – озиқа шароитининг ёмонлашган вақтига тўғри келади. Бу даврда озуқанинг тўйимлилиги ҳамда хилма-хиллиги камаяди.

Қоракўл қўйларининг яйловда озиқланиш меъёрлари ва рационини ўрганган С.Асамов, В.П.Субботинлар [187]) 40 кг тирик вазндаги қўйга ҳомиладорлигининг иккинчи ярмидан бошлаб 1,25 озиқа бирлиги ва 110 г ҳазмланувчи протеин талаб қилинишини аниқланиб турли йилларда январ ойининг бошларидан феврал ойининг ўрталарига қадар қўйларнинг яйловда озиқланиш миқдори энг кам даражани ташкил этиши кузатилган. Ҳайвонлар бу йиллар мабойнида яйловларнинг ҳолатига қараб 0,20-0,35 дан 0,60 озиқа бирлигигача яйлов озуқаларидан озиқланишган.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, қиш ва баҳор мавсумида қўйлар томонидан истеъмол қилинган озуқалар абсолют қуруқ моддага қайта ҳисобланганда улар тахминан бир хил миқдорда органик моддалар қабул қилишган бўлиб, кўкламда органик моддалардан: хом клетчатка 19,3% кам истеъмол қилинган ва аксинча ёғ 1,95 %, протеин, 11,85 %, АЭМ 4.5% кўп истеъмол қилинган. Қишки ва кўкламги яйлов озуқалари таркибидаги озуқа моддалари бирлигининг номутоносиблиги ҳамда сифати уларнинг бир хилда ҳазмланмаслигига ўз таъсирини кўрсатади.

Совлиқлар томонидан истеъмол қилинган озиқа миқдори ва уларнинг озиқа моддалари билан таъминланиш даражаси Маълумотлардан (3–жадвал) кўриниб турибдики, қўйлар қишки озиқлантириш рационини бўйича қиш даврида 1583 г яйлов озуқаси (1227 гр қуруқ ҳолда) билан озиқланиб, ундан 0,54 озуқа бирлиги ва 41,5 г ҳазмланувчи протеин қабул қилган. Шундай қилиб, бу ҳайвонларнинг яйловда озиқланиш даражаси уларнинг маҳсулдорлигини оширишни ва ҳомиланинг эмбрионал ривожланиш давридаги физиологик талабини таъминлай олмайди. Шу сабабли озуқа тақчиллигини (дефицит) қоплаш мақсадида тажрибадаги қўзиларга 0,5 кг концентрат аралашмаси билан қўшимча озиқлантирилганда уларнинг яйловдан олган озиқаси билан биргаликда озиқланиш даражаси 1,05 озуқа бирлиги ва 95 гр ҳазмланувчи протеинни ташкил қилди.

Назорат гуруҳидаги она қўйлар бўғозлигининг иккинчи ярмида қабул қилинганидек, 0,25 гр омукта ем билан қўшимча озиқлантирилганда уларнинг қабул қилган озуқаси яйлов озуқаси билан биргаликда 0,78 озиқа бирлиги ва 68,2 г протеинни ташкил қилди.

Кўкламги яйлов рационидан қўзили совлиқларнинг озуқага бўлган талаби мос равишда 102,5 % ва 160,8 % меъёрдан зиёд таъминланди.

3.3.Совлиқларнинг сут маҳсулдорлиги. Совлиқларнинг сут маҳсулдорлиги қўзиларнинг туғилганидан онасидан ажратишгача бўлган даврда ўсиши, ривожланиши ва сақланишига таъсир этувчи энг муҳим омилларидан биридир.

**Совлиқлар томонидан истеъмол қилинган озиқа миқдори ва уларнинг озиқа
моддалари билан таъминланиш даражаси.**

Кўрсаткичлар	Қиш	Баҳор
Истеъмол қилинган яйлов озиқаси, г		
тўлиқ намлиги билан	1583	7123
қуруқ модда	1227	1941
Яйлов озуқасининг таркиби		
озиқа бирлиги	0,54	1,64
ҳазмланувчи протеин, г	41,5	257,4
Меъёр бўйича талаб қилинади.		
озиқа бирлиги	1,05	1,60
ҳазмланувчи протеин, г	95,0	160
Таъминланганлиги %.		
озиқа бирлиги	0,51	102,5
ҳазмланувчи протеин, г	43,7	160,8
Қўшимча талаб қилинади.		
озиқа бирлиги	0,54	-
ҳазмланувчи протеин, г	53,5	-

Қўзилар ҳаётининг биринчи уч ҳафталигида асосан она сути билан озиқланади. Ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижаларига кўра соғилган сут миқдори билан биринчи ойликдаги тирик вазн ўртасида жуда юқори корреляцион боғлиқлик ($r = 0,90$) мавжуд бўлганлиги сабабли, жуда кўп тадқиқотчилар совлиқларнинг сут маҳсулдорлигини қўзилар ҳаётининг биринчи 20 кунлигидаги тирик вазнининг ўсиш орқали аниқлашади. Шунингдек, бу кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (r) бизнинг тадқиқотларимизда ҳам 0,88 дан 0,91 га тенг бўлганлиги сабабли биз ҳам шу қоидага риоя қилдик.

Совлиқларнинг биринчи 20 кунликдаги сут маҳсулдорлиги

Гуруҳлар	Қўзилар вазни, кг.		Тирик вазн ўсиши, кг	Совлиқларнинг ўртача сут маҳсулдорлиги
	Туғилганда	20 кунда		
1 гуруҳ (n=20)	4,6	8,43	3,80	19,0
II гуруҳ(n=20)	4,7	8,61	3,82	19,1
Назорат гуруҳи(n=20)	4,3	7,41	3,10	15,5

Тажрибаларда (4-жадвал) совлиқларнинг сутдорлиги назорат гуруҳидаги совлиқларга нисбатан I гуруҳда 22,6 % га II гуруҳда эса 23,2 % га юқори эканлиги, абсолют сутдорлик эса II гуруҳ ҳайвонларда бошқа гуруҳлардаги тенгқурларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Турли гуруҳдаги совлиқлар сутининг химиявий таркиби. Сутнинг тўйимлилиқ сифати унинг химиявий таркиби билан узвий боғлиқ бўлиб, қорақўл қўйлари сутининг химиявий таркиби, хусусан ундаги ёғ ва оқсил моддаларининг миқдори озиқланиш омили билан боғлиқдир.

Олинган маълумотларга кўра тажрибадаги ҳайвонлар сутининг кимёвий таркиби (5-жадвал) бўйича сезиларли статистик ($P > 0,05$) фарқ аниқланмаган бўлсада, протеинга бой озуқалар билан озиқлантирилган II гуруҳдаги совлиқлар сутининг таркибидаги оқсил, ёғ, қанд ва сутнинг зичлиги юқори эканлиги аниқланди.

5-жадвал.

Турли гуруҳдаги совлиқлар сутининг химиявий таркиби, %

Гуруҳлар	Оқсил	Ёғ	Қанд	Сув	Зичлиги
1- гуруҳ (n=20)	3,74	9,1	10,0	59,9	30,1
I I- гуруҳ (n=20)	3,79	9,3	10,2	59,8	30,2
Назорат гуруҳи (n=20)	3,63	8,6	9,7	60,1	29,9

Совлиқлар сутдорлигининг тирик вазни ва ўсиш тезлиги билан боғлиқлиги Тадқиқотлар давомида, тажрибадаги совлиқларнинг 20 кунлик сутдорлиги билан қўзиларнинг туғилган пайтдаги, 20 кунликдаги тирик вазни ва ўсиш тезлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилди (6-жадвал).

Жадвал маълумотлари таҳлилидан, совлиқлар лактациясининг 20 кунлик сутдорлиги билан туғилган пайтдаги тирик оғирлиги ўртасидаги корреляция коэффиценти (r) I гуруҳ қўзиларда 0,66, II гуруҳдаги қўзиларда 0,80 га ва назорат гуруҳидаги қўзиларда эса 0,34 га тенг бўлиши кузатилди.

6-жадвал

Совлиқлар сутдорлигининг тирик вазни ва ўсиш тезлиги билан боғлиқлиги

Гуруҳлар	Сутдорлик х туғилгандаги тирик вазни		Сутдорлик х 20 кундаги тирик вазн		Сутдорлик х ўсиш тезлиги	
	r	R	r	R	r	R
1- гуруҳ (n=20)	0,66	0,38	0,88	0,25	0,87	0,22
II- гуруҳ (n=20)	0,80	0,40	0,91	0,19	0,92	0,23
Назорат гуруҳ (n=20)	0,34	0,40	0,75	0,12	0,83	0,22

Бу кўрсаткичнинг регрессия коэффицентининг ҳамма гуруҳларда тахминан бир хил даражадаги кўрсаткичга тенг бўлиши қайд этилди. Совлиқларнинг 20 кундаги сутдорлиги билан шу даврдаги тирик оғирлиги ўртасидаги корреляция коэффиценти юқори даражадаги боғлиқликка эга бўлиб, I гуруҳда 0,88; II гуруҳда 0,91 ва назорат гуруҳида 0,75 ни ташкил этди. Жадвалдаги регрессия кўрсаткичининг тажриба гуруҳидаги кўзиларга нисбатан назорат гуруҳидаги кўзиларда паст кўрсаткичга эга бўлиши ҳам бу даврда сутдорлик ва тирик вазн ўсиши ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжудлигидан ва биринчи кўрсаткичнинг яхши шаклланиши учун, иккинчи кўрсаткич ҳам яхши шаклланиб бўлиши лозимлигини кўрсатади. Назорат гуруҳидаги кўзиларда тирик вазннинг кўпайиши учун совлиқларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш лозимлигидан далолат беради.

Совлиқлар лактациясининг 20 кунлик сутдорлиги билан 20 кунлик ёшидаги тирик вазни ўсиш тезлиги ўртасидаги корреляция коэффиценти кўрсаткичларининг юқорилиги, кўзилар ҳаётининг илк кунларидаги жадал ўсиши, оналарнинг сутдорлиги билан узвий боғлиқ эканлигидан далолат беради. Бу далилни регрессия коэффиценти кўрсаткичлари ҳам исботлайди.


Қоракўл кўйлари сутидаги ёғ ва қанд нисбатининг юқорилиги ҳамда мўтадил миқдордаги оксил моддаларининг концентрацияси кўзиларни 20 кунлик ёшида, туғилгандаги тирик оғирлигига нисбатан икки бораборга, 2,5 ойлигида эса уч бораборгача ошиши кузатилди. Бундай хусусият бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларида кам учрайди.

3.4. Тажрибадаги кўзиларнинг ўсиш ва ривожланиши. Онтогенезнинг у ёки бу даврида қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ўсишининг аниқ ва универсал кўрсаткичи тирик вазн ҳисобланади. Бу муҳим кўрсаткич, ҳайвонларнинг зарурий биологик хусусиятлари – конституционал мустаҳкамлиги, соғлиғи, чидамлилиги, тез етилувчанлиги ҳамда ишлаб чиқариш хусусиятлари – гўшт ва жун маҳсулдорлиги билан боғлиқ бўлиб, қоракўл кўйлари бошқа кўй зотларидан фарқли равишда қоракўл кўзиларнинг тирик вазни, барра терининг ўлчамлари ва унинг сатҳи билан ҳам узвий боғлиқдир. Маълумотлардан кўриниб турибдики, II гуруҳдаги кўзилар ҳамма ёш давларида тирик вазннинг юқори кўрсаткичига эга. Туғилган вақтидаги тирик вазни II гуруҳдаги кўзиларга нисбатан I гуруҳдаги тенгдошларида

97,8 % ни назорат гуруҳидаги тенгқурларида эса 91,5 % ташкил этилиши аниқланди. Кейинги даврларда ҳам худди шундай тенденция давом этиб бу кўрсаткич мос равишда 20 кунлигида 97,9 % ва 86,1 %ни, 2-2,5 ойлигида 94,1 % ва 84,6 %ни, 4-4,5 ойлигида 95,7% ва 86,2 % ни ташкил этиши кузатилди.

I ва II гуруҳдаги кўзилар 2,5 ойлигидан бошлаб озуқа бирлиги ва миқдори бир хил аммо, озуқа таркибидаги протеин миқдори ҳар хил бўлган рацион асосида қўшимча озиқлантирилганда юқори энергетик қийматга эга бўлган рацион асосида боқилган II гуруҳ кўзилар 2,5 ойдан 4-4,5 ойгача бўлган даврда 16,8 кг тирик вазн ўсишига эга бўлиб, ўртача энергетик қийматга эга бўлган озуқа билан озиқлантирилган I гуруҳ кўзиларида бу

кўрсаткич II гуруҳ кўрсаткичининг 97,02 % ини, назорат гуруҳидаги кўзиларда эса 87,5 % ини ташкил қилди.



2-расм . Тажрибадаги ёш қўзилар тирик вазнининг динамикаси.

Қўзиларнинг ўсиш жараёнини ўрганиш натижаларининг таҳлили яйловлардаги озукабоб ўсимликлар апрел ойининг охири май ойининг бошларига келиб сарғая бошлаши ва уларнинг таркибидаги протеин миқдори кескин камайиши ва бу даврда қўзиларни қўшимча, протеинга бой концентрат озукалар билан озиқлантириш, уларнинг ўсиши ва ривожланишига ташқи муҳит депрессиясини камайтиради деб, хулоса қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Абсолют ва нисбий ўсиш динамикаси. Ўсаётган организмнинг тез етилувчанлигини тавсифловчи кўрсаткич ҳайвонларнинг ўсиш жадаллиги ҳисобланади. Тажрибадаги қўзиларнинг тирик вазнининг абсолют, нисбий ўсиш коэффицентлари, 20 кунлик ёшида абсолют вазн ўсиш II гуруҳ қўзиларда 193,75г ни ташкил қилиб, бу кўрсаткичнинг I гуруҳдаги қўзиларга нисбатан 1,97%, назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатан 25% юқори бўлиши қайд этилди (7-жадвал).

Худди шундай тенденция қўзиларнинг 2,5 ойлигида ҳам кузатилиб, ушбу даврда II гуруҳдаги қўзиларнинг абсолют ўсиши мос равишда 8,7% ва 22,7% га, 4,5 ойлигида 4,9 % ва 17,1 % га юқори бўлиши аниқланди.

Тирик вазннинг абсолют ўсиш бирлигининг вақт бирлигига нисбати ҳайвонларнинг ҳақиқий ўсиш тезлигини тўлиқ тавсифлай олмайди, шу сабабли тирик вазн ўзгаришининг фоизда ифодаланиши нисбий ўсиши ҳисобланди.

Тажрибадаги ҳайвонлар тирик вазни ўсишининг ёшига қараб ўзгариши.

Кўрсаткичлар	I гуруҳ		II гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	M±m	C _v	M±m	C _v	M±m	C _v
Абсолют ўсиш, г. туғилганидан то:						
20 кунлигигача	190,0±8,36	19,67	193,75±7,75	17,88	155,0±3,96	11,41
2,5 ойликкача	110,3±3,09	12,51	119,9±2,84	10,59	97,7± 2,69	12,3
4,5 ойликкача	182,04±1,9	4,88	191,1±1,9	4,46	163,2±1,8	5,05
Нисбий ўсиш, %. туғилганидан то:						
20 кунлигигача	82,5±4,2	22,9	82,03±3,37	18,3	71,9±1,71	10,7
2,5 ойликкача	178,4±5,2	13,8	190,5±5,24	12,3	170,7±5,4	14,1
4,5 ойликкача	530,4±8,8	7,4	545,9±6,9	5,71	512,7±10,7	9,3
Тирик вазн ўсиш коэффициенти то:						
Туғилганидан - 20 кунлигигача	1,80±0,04	10,4	1,82±0,03	8,24	1,72±0,02	4,48
20 кунликдан - 2,5 ойликкача	1,54±0,04	11,7	1,61±0,04	10,3	1,58±0,04	10,53
2,5 ойликдан - 4,5 ойликкача	2,28±0,04	8,74	2,23±0,04	7,74	2,27±0,03	8,48

Таҳлиллар кўрсатадики, тажрибадаги қўзиларнинг туғилганидан 20 кунлик ёшигача бўлган даврдаги нисбий ўсиши I ва II гуруҳдаги қўзиларда деярли бир хил бўлиб, I гуруҳ қўзилар назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатдан 14,7 % устунликка эга, 2,5 ойлик ёшгача бўлган даврдаги нисбий ўсиш II гуруҳ қўзиларда 190,5 % ташкил қилиб, бу кўрсаткич I гуруҳ қўзиларига нисбатан 6,8 %, назорат гуруҳига нисбатдан 11,6 % юқори, 4,5 ойликда ҳам худди шундай тенденция кузатилиб, II гуруҳдаги қўзилар I ва назорат гуруҳдаги қўзиларга нисбатан мос равишда 2,9 %, 6,5 % юқори ўсиш тезлигига эга бўлгани кузатилди.

Қўзиларнинг тирик вазн ўсиш коэффициенти яъни, тирик вазн ўсишининг олдинги ўлчанган тирик вазнига нисбати туғилганидан 20 кунликкача ва 2,5 ойликкача бўлган даврдаги нисбати II гуруҳ қўзиларда юқори бўлиб, I ва назорат гуруҳидаги тенгқурларидан мос равишда 1,1 ва 5,8 % га юқори бўлиши аниқланди. Шу кўрсаткичнинг 4,5 ойликдан 2,5 ойликкача бўлган даврда нисбати эса аксинча II гуруҳ қўзилар I гуруҳга нисбатан 2,2 %, назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатан 1,8 % кам кўрсаткичга эга бўлиши кузатилди.

Жадвал маълумотларидан, юқори энергетик рацион асосида озиклантирилган II гуруҳ совликларнинг сутдорлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли, мазкур гуруҳдаги қўйларнинг қўзилари ўсиш ва

ривожланиши сут, сут-ўсимлик ва ўсимлик билан озиқланиш фазаларида ҳам ўсиш тезлигининг сусаймайди деб хулоса қилиб, бундан гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда самарали фойдаланиш мумкин.

3.6. Қоракўл қўзиларининг гўшт маҳсулдорлиги ва сўйим сифати. Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигига жуда кўплаб омиллар таъсир қилади. Уларнинг энг муҳимларидан бири озиқлантириш омили, айниқса рациондаги тўйимли моддаларнинг миқдори ва сифати ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида соҳанинг рентабеллигини ошириш ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг тез хазм бўлувчи, тўйимли ва организм учун фойдали бўлган қўзи гўштига бўлган талабининг ошиб бораётганлигини инобатга олиб 4,5 ойлик қўзиларнинг гўштдорлик потенциали, назорат сўйимлари ўтказиш йўли билан ўрганилди. 4,5 ойлик қўзиларда назорат сўйими ўтказилганда (8-жадвал) гавданинг оғирлиги II гуруҳ қўзиларида, I гуруҳдаги қўзиларга нисбатан 1,5 кг, назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатан 4,2 кг ёки мос равишда 11,1 %; 28,4 % юқори кўрсаткич қайд этилди. ($P<0,01$). Тажрибадаги қўзиларнинг сўйим оғирлиги ҳам II гуруҳ қўзиларда биринчи ва назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатан мос равишда 1,71 кг, 4,55кг ёки 10,04 %; 29,1 % га кўп бўлди. Ҳудди шундай тенденция ички ёғ чиқимида ҳам кузатилиб, II гуруҳ қўзиларда ёғ тўпланиши I ва назорат гуруҳидаги тенгқурларга нисбатан мос равишда 210 гр ёки 24,02 %; 350 гр ёки 41,6 % юқори бўлиши аниқланди ($P<0,001$).

Тажрибадаги сўйилган молларнинг қонининг массаси I ва II гуруҳда деярли тенг миқдорда бўлиб, улар назорат гуруҳидаги тенгдошлирига нисбатан тегишли равишда 0,116 ва 0,114 г кўпроқ бўлди.

Сўйим даврида сўйилган моллар терисининг вазни II гуруҳ қўзиларида оғирроқ бўлиб, улар I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 7,1 %, назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 21,7 % юқорироқ вазнга эга бўлиши кузатилди.

Янги сўйилган қўзилар териларининг сатҳи бўйича ҳам устунлик II гуруҳ қўзиларида кузатилиб, ушбу кўрсаткич I гуруҳдан сўйилган қўзилар терисига нисбатан

6 дм², назорат гуруҳидагиларга нисбатан 13 дм² сатҳи кенгроқ эканлиги аниқланди.

Тажриба гуруҳидаги қўзилар гавдасининг оғирлиги 13,3 ва 14,8 кг, гўшт чиқими 47,3 ва 47,9 %, ёғ тўпланиши 2,25 ва 2,73 % ни ташкил қилди ва улар гўшт саноатининг норматив талабларидан (41,6 %) сезиларли даражада ортиқ бўлиб, қўзиларни бўрдоқилаш саноат талабларига тўлиқ жавоб беришини кўрсатади. Қайд этилган кўрсаткичлар бўйича тажриба ва назорат гуруҳларининг кўрсаткичлари орасидаги фарқларнинг статистик ишончли ($P<0,05$).

Қўзиларнинг назорат сўйими натижалари.

№	Кўрсаткичлар	I гуруҳ	II гуруҳ	Назорат
1	Сўйимдан олдинги тирик оғирлиги, кг	28,1	30,9	25,7
2	Тананинг соф оғирлиги, кг. *	23,5	26,31	20,8
3	Гавданинг оғирлиги, кг.	13,3	14,8	10,6
4	Гавданинг чиқими, %.	47,3	47,9	42,4
5	*, %.	56,6	56,2	50,9
6	Ички ёғнинг оғирлиги, кг.	0,633	0,843	0,493
7	Ички ёғнинг чиқими, %.	2,25	2,73	1,92
8	*, %.	2,6	3,2	2,3
9	Сўйим оғирлиги, кг.	13,93	15,64	11,09
10	Сўйим чиқими, %.	49,5	50,61	43,1
11	*, %.	59,5	59,45	53,3
12	Калла-поча, кг.	2,75	3,18	2,29
13	Калла-поча чиқими, %.	9,7	10,3	8,9
14	*, %.	11,7	12,1	11,01
15	Сўйимнинг барча маҳсулотлари оғирлиги, кг.	16,6	17,7	13,38
16	Сўйимнинг барча маҳсулотлари чиқими, %.	59,1	57,2	52,1
17	*, %.	70,6	67,2	64,3
18	Қоннинг миқдори, кг.	1,083	1,081	0,967
19	Қоннинг чиқими, %.	3,85	3,5	3,8
20	*, %.	4,6	4,1	4,6
21	Терининг оғирлиги, кг.	1,97	2,12	1,66
22	Терининг чиқими, %.	7,01	6,9	6,5
23	*, %.	8,4	8,1	7,9
24	Терининг сатхи, дм ²	78	84	71
25	Катта қорин ичидаги озуқаси билан: кг.	4,63	4,59	4,85
26	%,	16,4	14,81	18,8

Изоҳ: * сўйимдан олдинги тирик оғирлиги – катта қорин ичидаги озиқаси билан = тананинг соф оғирлиги.

3.7. Гавданинг морфологик таркиби.

Гўштнинг сифати, гавда гўшторлигини шакллантирувчи тўқималарнинг (лаҳм, ёғ, суяк) ўзаро нисбати билан белгиланади, гавдада ёғ тўпланишининг ўта паст нисбати ҳам гўштнинг сифатини ва озиқавий қийматини пасайтиради.

Қўзилар гавдасининг морфологик таркибини ўрганиш йўналишда олиб борилган тадқиқот натижаларининг тахлили (9-жадвал, 3-расм). қўзилар

туғилган пайтида сўйилганда гавданинг оғирлиги II гуруҳ кўзиларида юқори бўлиб, улар бу кўрсаткич бўйича I гуруҳдаги тенгдошларидан 8,2 %, назорат гуруҳидаги тенгдошларидан эса 21,8 % жадалроқ ривожланганлигини кўрсатади.

Гавданинг оғирлиги 2,5 ойлик ёшида ҳам II гуруҳ кўзиларида оғир бўлиб, I гуруҳ кўзиларга нисбатан 7,3 %, назорат гуруҳидаги кўзиларга нисбатан 20,8 % юқори бўлди. Худди шундай тенденция 4,5 ойлик кўзилар гавдасининг оғирлигида ҳам кузатилди.

Гавдада лахм гўшт миқдори туғилган пайтида II гуруҳ 1,54 кг ни ташкил этиб, I гуруҳдаги тенгқурларидан 3,3 % га назорат гуруҳидаги тенгқурларидан 25,2 % лахм гўшт чиқими кўпроқ бўлиши, 2,5 ойлигида II гуруҳидаги кўзиларда лахм гўшт чиқими 5,11 кг ташкил этиб, I гуруҳдан 8,5 %, назорат гуруҳидан 30,3 % юқори бўлиши 4,5 ойлигида ҳам шундай тенденция кузатилиб, кўзиларнинг 4,5 ойлигида II гуруҳ кўзиларда лахм гўшт чиқими 11,72 кг бўлиб, бу кўрсаткичнинг I гуруҳ кўзиларга нисбатан 13,2%, назорат гуруҳидаги кўзиларга нисбатан 51,2 % юқори бўлиши қайд этилди.

Тажрибадаги кўзиларда, суягининг чиқими ўрганилганда, туғилган пайтида бу кўрсаткич бўйича II гуруҳ кўзилар устунлик қилишиб, суяк чиқими 0,69 кг ни ташкил этиб, бу I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 0,02 кг, назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 0,09 кг оғирроқ бўлиши аниқланди.

Суяк чиқими бўйича 2,5 ойлик даврида аксинча ҳолатни кузатиш мумкин, яъни назорат гуруҳидаги кўзиларда бу кўрсаткич 1,55 кг ни ташкил қилиб, бу I гуруҳга нисбатан 0,10 кг, II гуруҳга нисбатан 0,05 кг юқоридир, 4,5 ойлигида эса суяк чиқими II гуруҳ кўзиларда 3,08 кг бўлиб, I гуруҳга нисбатан 0,13 кг, назорат гуруҳига нисбатан 0,23 кг ортиқ бўлиши кузатилди..


Гавданинг морфологик таркибини ташкил этувчи лахм гўшт ва суяк миқдорининг ўзаро нисбати гўшторлик коэффицентини ифодалайди ва бу кўрсаткич бўйича гавдада лахм гўшт миқдорининг шаклланиши ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Тадқиқотлар гўшторлик коэффицентининг(9-жадвал,3- расм) охириги 4,5 ойлигида II гуруҳ кўзиларда юқори кўрсаткичга эга бўлиб, I гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан 0,29 бирликка, назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 1.08 бирликка юқори бўлишини кўрсатди.


Тажрибалар натижасида олинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, яхши ўсган ва ривожланган кўзилар кўшимча озиклантирилганда уларнинг ирсиятидаги гўшторлик потенциалининг тўлароқ намоён бўлишга имконият яратилади.

Қўзиларнинг турли ёш давларида гавдасининг морфологик таркиби (ҳар гуруҳда n=3)

Кўрсаткичлар	Қўзиларнинг ёши								
	Туғилган пайтда (n=3)			2,5 ойлигида (n=3)			4,5 ойлигида (n=3)		
	I гуруҳ	II гуруҳ	Назорат гуруҳи	I гуруҳ	II гуруҳ	Назорат гуруҳи	I гуруҳ	II гуруҳ	Назорат гуруҳи
Гавданинг оғирлиги, кг	2,16±0,06	2,23±0,06	1,83±0,01	6,16±0,06	6,61±0,05	5,47±0,06	13,3±0,07	14,8±0,28	10,6±0,05
Шу жумладан: лаҳм, кг	1,49±0,01	1,54±0,02	1,23±0,01	4,71±0,12	5,11±0,09	3,92±0,05	10,35±0,07	11,72±0,07	7,75±0,12
%	68,9	69,1	67,2	76,4	77,3	71,7	77,8	79,2	73,1
суяклар, кг	0,67±0,08	0,69±0,06	0,60±0,05	1,45±0,04	1,50±0,05	1,55±0,04	2,95±0,08	3,08±0,07	2,85±0,06
%	30,01	30,9	32,8	23,1	22,7	28,3	22,2	20,8	26,8



3-расм. Гавданинг оғирлиги, кг.



4-расм. Гўшторлик коэффициенти

3.8. Тажрибадаги қўзилар ички органларининг ўсиши.

Ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлигини баҳолашда ҳайвон организмнинг тўлиқ шаклланишида муҳим аҳамият касб этадиган баъзи бир органларнинг ўсиш қонуниятларини ҳам ўрганиш муҳим. Ички органларнинг ривожланиши ҳайвонларнинг кўпгина хўжалик учун фойдали белгиларини ва биологик хусусиятларининг шаклланишини маълум даражада белгилайди.

Маълумки, ҳайвон организмнинг турли орган ва тўқималари постнатал ривожланишининг турли босқичларида ҳар хил жадалликда ўсади ва ривожланади, маълум босқичда баъзи бир органлар тез, бошқа бирлари секин ўсади ва аксинча. Тажрибаларда қорақўл қўзиларининг озиқа омилига боғлиқ ҳолда онтогенезнинг эмбрионал ва пост эмбрионал ривожланиш даврида ички органлар ўсиши ўрганилди (24-жадвал).

Ички органлар ўсишининг интенсивлигини тавсифлаш учун абсолют вазндан ташқари нисбий кўрсаткичдан (% , тирик оғирлигига нисбатан) ҳам фойдаланилди, бу эса онтогенезнинг турли ривожланиш босқичларида орган ва тўқималар қандай фаолият кўрсатганлиги тўғрисида хулоса қилиш имкониятини беради. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра тажриба гуруҳидаги қўзиларнинг ички органларининг ўсиши бир хилда кечмаганлиги маълум бўлди. Юракнинг вазни I гуруҳда 1,9 % ни, II гуруҳда 5,1 % ни, мос равишда ўпка 4,5 ва 10,5 % ни, жигар 6,5 ва 10,6 % ни, буйрак 5,7 ва 8,9 % ни, талоқ 3,9 ва 4,5 % ни назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатан кўпроқ вазнга эга эканлиги кузатилди.

10-жадвал.

Янги туғилган қўзиларнинг ички органларининг абсолют кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=3)		II гуруҳ(n=3)		Назорат Гуруҳи (n=3)	
	M±m	%	M±m	%	M±m	%
Тирик вазни, кг.	4,5±0,11		4,6±0,11		4,2±0,15	
Юрак, г.	34,7±0,39	0,77	35,8±0,25	0,78	34,06±0,39	0,81
Ўпка, г.	66,5±0,53	1,48	70,3±0,22	1,52	63,6±0,67	1,51
Жигар, г.	72,1±1,78	1,60	74,9±0,47	1,62	67,7±0,40	1,61
Буйрак, г.	26,1±0,25	0,58	26,9±0,32	0,58	24,7±0,46	0,59
Талоқ, г.	6,03±0,28	0,13	6,06±0,21	0,13	5,8±0,25	0,14
Катта қорин ичидаги озиқаси билан, г.	600,0±18,7	13,3	677,0±50,8	14,7	545,3±22,8	12,9
Ичаклар узунлиги, м;						
Ингичка ичак	7,5±0,49		7,2±0,22		8,76±0,17	
Йўғон ичак	1,7±0,08		1,7±0,07		1,6±0,07	

Ўрганиш жараёнида қўзиларнинг ошқозонининг оғирлиги (ичидаги озиқа массаси билан) I гуруҳ қўзиларда 10,4% ва II гуруҳ қўзиларда 26,6% га, назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатан оғирроқ ва ҳажми каттароқ

бўлиб, ингичка ичак узунлиги бўйича аксинча, назорат гуруҳидаги кўзиларда I гуруҳдаги кўзиларга нисбатан 16,8%га, II гуруҳ кўзиларга нисбатан 21,6%га узунроқ ($P < 0,001$) эканлиги, йўғон ичаклар узунлиги эса назорат гуруҳидаги кўзиларда I гуруҳ кўзилардан 6,2% ва II гуруҳ кўзилардан ҳам 6,2% калта эканлиги ($P < 0,001$) аниқланди.

Шундай қилиб, қоракўл тери учун сўйилган кўзиларнинг ички органларининг ривожланиши ўрганилганда тажрибадаги, яъни бўғозлигининг иккинчи ярмидан қўшимча озиқлантирилган совлиқлар кўзиларининг, ички органларининг ўсиши ва ривожланиши хўжалик шароитида озиқлантирилган совлиқлар кўзиларининг кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиши кузатилди.

Ўсаётган ёш ҳайвонлар организмида жуда мураккаб биологик жараёнлар, яъни овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нейро- гуморал системаси фаолияти, генотипик ва фенотипик белгиларининг шаклланиши ва ҳ.к жараёнлар юз беради. Айниқса кўзиларнинг сут билан озиқланиш давридан дағал ўсимлик озуқалари билан озиқланишга ўтиши ошқозон ичак системасининг ривожланиши ва мослашувчанлиги учун кучли омил ҳисобланади. Организмда жадал шаклланиш, ихтисослашиш ва мослашиш жараёнлари билан бирга ҳайвон организмнинг ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлган органлар-юрак, ўпка, жигар, буйрак ва талоқ ҳам ўсади, ривожланади ва уларнинг вазни ҳам ошади.

Турли энергетик қийматли рацион асосида озиқлантирилган 4,5 ойлик кўчқор кўзилар ички органларининг ўсиши ва ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар 25 жадвалда келтирилган. Ушбу маълумотларда назорат гуруҳидаги кўзиларга нисбатан юрак вазни I-гуруҳда 15,4%, II гуруҳда 20,5% мос равишда, ўпка 30,5% ва 36,8%; жигар 6,2% ва 13,9%; буйрак 18,8% ва 23,4%; талоқ 15,2 ва 20,7% ортиқ бўлган бўлса, аксинча катта қориннинг ичидаги озиқаси билан биргаликдаги вазни назорат гуруҳидаги ҳайвонларда I гуруҳдаги кўзиларга нисбатан 20,3% ва II гуруҳдаги ҳайвонларга нисбатан 5,6% кўп бўлди. Тажриба давомида катта қорин (тўртала бўлмачаси билан биргаликда) ичидаги озиқа массаси тозаланиб, ичи сув билан тўлдирилганда унинг ҳажми назорат гуруҳидаги кўзиларда 12,1 литрни, I гуруҳдаги кўзиларда 10,9 литрни, II гуруҳ кўзиларда 10,3 литрни ташкил этиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, совлиқларни бўғозлигининг охирги даврларида ва ёш кўзиларни тўйимли рацион асосида қўшимча озиқлантириш кўзиларнинг ички органларининг яхши ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги сингари қоракўлчиликда ҳам ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш унинг самарадорлигини ошириш мавжуд маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

**Қўзилар (4.5 ойлик) ички органларининг ривожланиш
кўрсаткичлари.**

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ		2 гуруҳ		Назорат	
	M±m	%	M±m	%	M±m	%
Юрак, г.	150,3±2,6	0,53	153,4±1,8	0,50	132,6±3,2	0,52
Ўпка, г.	413,3±6,6	1,46	433,6±7,5	1,42	316,6±3,3	1,23
Жигар, г.	488,3±4,4	1,73	502,3±	1,64	453,3±3,3	1,76
Буйрак, г.	126,6±3,3	0,45	131,6±3,1	0,43	106,6±3,3	0,41
Талок, г.	46,7±2,3	0,16	48,3±1,6	0,16	40,3±3,3	0,15
Ичак узунлиги, м;						
Ингичка ичак	16,3±0,6	-	17,1±0,5	-	18,4±0,2	-
Йўғон ичак	5,16±0,1	-	5,1±0,1	-	3,77±0,2	-
Катта қорин ичидаги оziқаси билан, кг	4,03±0,4	0,16	4,59±0,07	15,1	4,85±0,03	18,8
Катта қорин ҳажми, л.	10,2±1,1	-	10,9±0,5	-	12,1±0,1	-

Шу йўналишда олиб борилган тадқиқот ишларини иқтисодий баҳолаш натижалари 12-жадвалда умумлаштирилган

**Қўзи гўшти ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги
(бир бошдан, 2010 йил баҳосида)**

Кўрсаткичлар	Ўчов бирлиги	Гуруҳлар		
		I	II	Назорат гуруҳи
Сўйимдан олдинги тирик оғирлиги,	кг	28,1	30,9	25,7
Сўйим оғирлиги,	кг	13,9	15,14	11,1
Маҳсулот бирлиги таннари,	сўм	1617,9	1621,3	1599,9
Маҳсулот бирлигининг сотиш баҳоси, гўшт	сўм	2300	2500	2000
Гўшт ишлаб чиқариш таннари.	сўм	45462,9	50098,2	41117,4
Гўшт сотишдан олинган даромад	сўм	64630,0	77250,0	51400,0
Фойда (+), зарар (-).	сўм	19167,1	27151,8	10282,6
Рентабеллик даражаси	%	42,1	54,1	25,01

Таҷрибадаги I ва II гуруҳ қўзиларга 2,5 ойлигидан кейин биринчи ойда кунига қўшимча 0.25 кг омукта ем берилиб иккинчи ойда бу кўрсаткич 0.5 кг га етказилди. Шунинг учун I ва II гуруҳ қўзиларда назорат гуруҳидаги қўзиларга нисбатан қўзи гўшти етиштириш таннарининг ошиши кузатилмоқда. Етиштирилган қўзи гўштининг сифати ва кондициясининг ошишига қараб, уларнинг сотиш баҳоси ҳам кескин ўзгарди, натижада таҷриба ва назорат гуруҳларида тегишли равишда соф фойда 19167,1; 27151,8 ва 10282,6 сўмни ташкил қилди.

Рентабеллик даражасининг назорат гуруҳига нисбатан I тажриба гуруҳида 17,09 фоизга, II тажриба гуруҳида 29,09 фоизга ошиши кузатилди.

Жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ёш кўзиларни сут эмиш даврида ушбу технология асосида озиқлантириш, кам харажат сарфланиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Хулосалар

Ўтказилган илмий тадқиқот ва тажрибалар натижаларини умумлаштириш асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин.

1. Қорақўл қўзилари юқори даражадаги тез етилувчанлик ва гўштдорликнинг ёрқин ифодаланиши билан тавсифланади. Қўзилар 2,5 ойлигидан протеинли озуқалар билан қўшимча озуклантирилганда 4-4,5 ойлигида уларнинг тирик вазни $30,5 \pm 0,26$ кг ни ташкил этади.

2. Қорақўл зотли совлиқлар юқори сутдорлиги билан тавсифланиб, тажрибадаги совлиқларнинг сутдорлиги назорат гуруҳидаги совлиқларга нисбатан I гуруҳда 22,6 % II гуруҳда 23,2 % юқори бўлди. Совлиқларнинг сутдорлиги улаларнинг болаларнинг туғилгандаги тирик вазни билан корреляцион боғлиқлиги II гуруҳдаги қўзиларда $r = 0,80$, назорат гуруҳида эса $r = 0,34$ ни ташкил қилди, бу кўрсаткичнинг қўзиларнинг 20 кунликдаги тирик вазни билан корреляцион боғлиқлиги мос равишда 0,91 ва 0,75 га тенг бўлди. Ўсиш тезлиги билан сутдорлик кўрсаткичи ўртасида ҳам худди шундай тенденция кузатилиб, II гуруҳ қўзилардаги боғлиқлик $r = 0,92$ ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги қўзиларда 0,83 ни ташкил қилди.

3. Тажриба гуруҳидаги қўзилар гавдасининг 13,3 кг (I-гуруҳ) ва 14,8 кг ни (II-гуруҳ) ва гўшт чиқимининг 47,3 ва 47,9 % ни, ёғ тўпланишнинг 2,25 ва 2,73 %ни ташкил этиши, гўшт саноатининг меъёрий талабларидан (41,6%) юқорилигини ва ёш қорақўл қўзиларини бўрдоқилашнинг юқори самарадорлигини кўрсатади.

4. Ёш қўзиларни 2,5 ойлигидан юқори энергетик рацион (II-диета) асосида қўшимча озиқлантириш бу гуруҳдаги қўзиларда гавданинг морфологик таркибини ташкил этувчи лаҳм ва суяк миқдорининг ўзаро нисбати (гўштдорлик коэффиценти) I гуруҳдаги қўзиларга нисбатан 0,29, назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 1,08 бирликка юқори бўлишини таъминлашини кўрсатди.

5. Совлиқлар бўғозлигининг иккинчи даврида қўшимча озиқлантириш уларнинг сутдорлигининг юқори бўлиши ва ёш қўзиларнинг тўйимли озуқалар билан қўшимча озиқлантирилиши уларнинг ички органларининг яхши ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

6. Совлиқлар бўғозлигининг иккинчи ярмидан бошлаб қўшимча озиқлантирилганда уларнинг ҳаётчанлиги юқори бўлиб, чиқимга чиқиш ҳолатлари кузатилмаган бўлса, хўжалик шароитида сақланган ҳайвонларда бу кўрсаткич 2,5-3 % ни ташкил қилди. Бу гуруҳдаги совлиқларнинг серпущтлиги тажриба гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 6,4% кам бўлди.

7. Тажрибадаги қўзиларнинг жун толасининг узунлиги ва қўзи жуни қирқими миқдори бўйича II гуруҳ қўзилари назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан ишончилик даражаси ($P < 0,001$) юқори бўлган фарқ билан устунлик қилиши кузатилди.

8. Ёш қўзиларни концентрат озуқалар билан қўшимча озиқлантириш юқори самарадорликка эга бўлиб, ҳар бир бош қўзидан олинган фойда гуруҳлар бўйича 19167,1; 27151,8 ва 10282,6 сўмни, рентабеллик даражаси, 42,1; 54,1 ва 25,01 фоизни ташкил этди.

Амалий тавсиялар

1. Барча тоифадаги қорақўлчилик хўжаликларида қўзи гўшти ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш мақсадида, барра сифати бозор талабларига жавоб бермайдиган қўзилардан кенг миқёсда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Қорақўл қўзиларининг тирик вазни, сутдорлиги ва ўсиш тезлиги ўртасида аниқланган корреляция ва регрессия коэффицентлари кўрсаткичлари қўзиларни ёш вақтидан юқори энергетик қийматидаги озуқалар билан қўшимча озиқлантириш, ёш қўзиларнинг ўсиш тезлиги потенциалидан рационал фойдаланиш имкониятини беради ва бу кўрсаткичларни суйим сифати ва қўзи гўштининг биологик (озуқавий) қимматини башорат қилишда ҳисобга олиш лозим.

Эълон қилинган илмий мақолалар рўйхати.

1. Абдурахманов А.Н. Исмаилов М.Ш. А.Н.Бобокулов Н.А. Қорақўл қўйлари сут маҳсулдорлигининг қўзиларининг ўсиш сурати билан боғлиқлиги “Чўл-яйлов чорвачилиги генофондидан экологик жиҳатдан мутаносиб фойдаланиш муаммолари.” Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари. Самарқанд.2010.-б-13-14

2.Бобокулов Н.А. Исмаилов М.Ш. Попова В.В. Ахмедалиева Л.Х. Нарзуллаев Х. Абдурахманов А.Н. Каримов У.А. “Табиий чўл ва дағал пояли озукаларни едиришга тайёрлаш, озуқа тайёрлаш, тўйимлилигини аниқлаш. Қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси”.Маълумотлар базаси. Гувоҳнома. Ташкент 2010 №BGU 00224

3.Абдурахманов А.Н. Бобокулов Н.А. Қорақўл қўйлари гавдасининг морфологик таркиби ва унга таъсир этувчи омиллар. Ж. Зооветеринария. №6.2011.б.33-34.

4.Бобокулов Н.А. Исмаилов М.Ш. Абдурахманов А.Н. Влияние кормления каракульских овец на шерстную продуктивность в условиях карнабчуля. “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда ёш олимларнинг эришган ютуқлари ва муаммолар”. Самарқанд.2011.-б-119-121

5. .Исмаилов М.Ш. Бобокулов Н.А. Абдурахманов А.Н. Экстерьерные особенности каракульских ягнят при подкормке с разным уровнем протеина. «Мониторинг распространения и предотвращения особо опасных болезней животных и птиц». Сборник материалов четвертой международной научной конференции. Самарқанд.2011.-с-101-103

6.Исмаилов М.Ш. Бобокулов Н.А. Абдурахманов А.Н. Каршиев С.Т. Турли хил озиқлантириш шароитида қорақўл қўзиларининг интерьер хусусиятлари. “Ҳайвон ва паррандаларнинг ўта ҳавфли касалликларини тарқалиши ва олдини олишнинг мониторинги” Тўртинчи халқаро илмий конференция материаллари тўплами. Самарқанд.2011.-б-103-105

7 Бобокулов Н.А. Исмаилов М.Ш. Попова В.В.Рахимов Т.Б.Абдурахманов А.Н. КаримовУ.А. Қорақўл қўйлари озиқлантиришнинг юқори самарали, ресурсларни тежовчи технологияси. Тавсиянома. Самарқанд 2011.-б-36

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасига талабгор А.Н.Абдурахмановнинг 06.02.04 – “Хусусий зоотехния; чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси” ихтисослиги бўйича “Қорақўлчиликда қўзи гўшти етиштириш ва унинг ресурсларини ошириш технологияси” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: қорақўл қўзилари, ўсиш, ривожланиш, яйлов сиғими, озуқа тўйимлилиги, сут, гўшт, жун, қорақўл, маҳсулдорлик, ўсиш тезлиги давомийлиги, ирсий потенциал.

Тадқиқот объектлари: Турли энергетик қийматда озиқлантирилган қорақўл қўзилар гуруҳлари.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Қорақўлчиликда хўжаликлари шароитида эркак қўзиларнинг шу йилнинг ўзида бўрдоқиланиши, уларнинг сақланиши, парваришлашни такомиллаштириш тизими яйловларда қўй сиғимини камайтириш ва пировард натижада улардан маҳсулот олинishiга қаратилган самарали технологиялар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: зоотехникавий ва биологик

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Юқори энергетик рацион асосида 2,5 ойлигидан бошлаб қўшимча озиқлантирилган қорақўл қўзилари юқори даражадаги тез етилувчанлик ва гўшtdорликнинг ёрқин ифодаланиши билан тавсифланади. 4-4,5 ойлигида уларнинг тирик вазни $30,5 \pm 0,26$ кг ни ташкил этади. Тажрибадаги совлиқларнинг сутдорлиги назорат гуруҳидаги совлиқларга нисбатан I гуруҳда 22,6 % II гуруҳда 23,2 % юқори бўлди. Тажриба гуруҳидаги қўзилар гавдасининг 13,3 кг (I-гуруҳ) ва 14,8 кг ни (II-гуруҳ) ва гўшт чиқимининг 47,3 ва 47,9 % ни, ёғ тўпланишининг 2,25 ва 2,73 % ни ташкил этиши, гўшт саноатининг меъёрий талабларидан (41,6%) юқорилигини ва ёш қорақўл қўзиларини бўрдоқиланишнинг юқори самарадорлигини кўрсатади. II-диета асосида қўшимча озиқлантирилган II гуруҳдаги қўзиларда гавданинг морфологик таркибини ташкил этувчи лаҳм ва суяк миқдорининг ўзаро нисбати (гўшtdорлик коэффиценти) I гуруҳдаги қўзиларга нисбатан 0,29, назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 1,08 бирликка юқори бўлишини кўрсатди. Совлиқлар бўғозлигининг иккинчи ярмидан бошлаб қўшимча озиқлантирилганда улардан олинган қўзиларнинг ҳаётчанлиги юқори бўлиб, чиқимга чиқиш ҳолатлари кузатилмаган бўлса, хўжалик шароитида сақланган ҳайвонларда бу кўрсаткич 2,5-3 % ни ташкил қилиди.

Амалий аҳамияти. Қорақўлчиликда биринчи бор, барра сифати бозор талабларига жавоб бермайдиган эркак қўзиларни жадал ўстириш, ёш организмнинг ўсиш энергиясидан рационал фойдаланиб, кам меҳнат сарфи, моддий – техник воситалари ва маблағ сарфланиб қўзи гўшти ва жун маҳсулдорлигини оширувчи технология тизими ишлаб чиқилишида ҳамда тармоқнинг самарадорлиги ва рентабеллиги ошишида намоён бўлди.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқотлар натижалари Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги “Қарнаб ота” қорақўлчилик наслчилик заводида тадбиқ этилган. II гуруҳдаги бир бош қўзидан олинган соф фойда 27151,8 сўмни ташкил этиб, I ва назорат гуруҳдаги қўзиларда 19167,1; 10282,6 сўмни Рентабеллик даражаси эса мос равишда 54,1 42,1; ва 25,01 фоизни ташкил этди.

Қўлланиш соҳаси: Қорақўлчилик билан шуғилланадиган барча мулкчилик шаклидаги хўжаликлар

РЕЗЮМЕ

диссертации А.Абдурахманова на тему: «Технология производства ягнятины в каракулеводстве и ресурсы его повышения» на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук по специальности 06.02.04-«Частная зоотехния; технология производства животноводческой продукции»

Ключевые слова: каракульские ягнята, рост, развитие, масса, овцеемкость пастбищ, корма, питательность, молоко, мясо, шерсть, каракуль, продуктивность, скорость роста, продолжительность, генетический потенциал.

Объект исследований: группы ягнят каракульских овец подкормленные кормами с различными энергетическими ценностями.

Цель и задачи исследований: Разработка эффективных технологий в каракулеводстве в новых условиях хозяйствования, откорм ягнят после их отбивки, их содержание, выращивание, снижение нагрузки на пастбища и в конечном итоге получение от их продукции.

Методы исследований: зоотехнические, биологические.

Полученные результаты и их новизна: 2,5 месячные ягнята подкормленные кормами высокой энергетической ценности обладали высокими темпами роста, быстро созревали и характеризовались высокой мясистойостью. При 4-4,5 месячном возрасте живая масса ягнят составила $30,5 \pm 0,26$ кг. Молочная продуктивность подопытных животных была выше чем у животных контрольной группы; в 1-ой группе на 22,6%, во 2-ой группе 23,2%. Масса туши у подопытных ягнят составила в первой группе 13,3 кг, во второй группе 14,8 кг и выход мяса составил 47,3 и 47,9%, накопление жира – 2,25 и 2,27%, что превышает нормативные требования мясной промышленности (41,6%) и показывает высокую эффективность откорма молодых ягнят.

Коэффициент мясистойости 2 подопытной группы, которые кормились 2-диетой, был выше на 0,29 единиц по сравнению с 1-ой подопытной и на 1,08 ед. по сравнению с контрольной группой. От овцематок, которые получали дополнительный корм, начиная со второй половины беременности, рождались ягнята с высокой жизнеспособностью, отпад не наблюдался, а у контрольных овец отпад ягнят составил 2,5-3,0%. Плодовитость подопытных животных была на 6,4% выше по сравнению с контрольной группой.

Практическая значимость: Впервые в каракулеводстве применена технология ускоренного выращивания молодняка, рационально используя скорость роста молодого организма, при малых затратах труда, средств, произведено мясо ягнятины с низкой обеспеченностью, что проявляется в эффективности повышения рентабельности отрасли.

Уровень внедрения и экономическая эффективность. Результаты исследований внедрены в каракулеводческом ширкатном хозяйстве «Карнабота» Пахтачинского района Самаркандской области.

С каждой головы ягнят 2-ой группы было получено 27151,8 сумой чистой прибыли. А у ягнят 1-ой и контрольной групп этот показатель составил соответственно 19167,1; 10282,6 сумов. Уровень рентабельности соответственно 54,1; 42,1 и 25,01%.

Область применения: Во всех категориях каракулеводческих хозяйств.

RESUME

Thesis of A.Abdurakhmanov on the scientific degree competition of the candidate of sciences in agriculture on speciality 06.02.04-“Private zootechnics; the technology of manufacture of animal breeding production”, subject: “The technology of lamb growing and increasing of its resources in karakul”.

Key words: Karakul sheep, growth, development, weight, meadow capacity, food caloricity, milk, meat, wool, karakul, productivity, growth speed, genetic potential.

Subjects of research: The group of karakul sheep fed in a various energetic calorie.

The aim and function of investigation: In the condition of new economical trends to work out the effective technological system relying on gaining weight of male lambs separated from ewes in the same year, keeping them, intensifying system of feeding in order to decrease the capacity of lambs in meadows and as a result of which relating on getting products.

The methods of investigation: zoo-technical and biological

Achieved results and their novelty: The high level of rapid growth and fleshiness of karakul lambs is specified with clearly outlines that beginning from 2-2,5 months to feed them with extra food based on a high energetic ration. The weight of 4-4,5 monthly lambs reach $30,5 \pm 0,26$ kg. The lactation of experimental ewes is higher than the controlled ewes of the I group for 22,6 %, the II group for 23,2 %. Making up 13,3 kg of experimental group lambs' body (I group) and 14,8 kg (II group) and 47,3 and 47,9 % getting meat, 2,25 and 2,73 % of fat collection shows the highness of meat industry than usual demands and the high efficiency of gaining weight of young karakul lambs. According to the diet-II the morphological constituents of the body's of the II group extra fed group lambs showed that the inter-balance between the amount of flesh and bones (fleshiness coefficient) should be 0,29 units comparing to the I group lambs, 1,08 units comparing to the controlled group-mates. Beginning supplementary feeding from the 2 period of ewes' pregnancies will increase the living function of lambs, if there was not noticed any sheer losses, this indicator would make 2,5 – 3 % in animals kept in farm circumstances, comparing to the experimental group-mates ewes' high birth of this group was lessened for 6,4 % .

Practical value: The practical value of the investigation was seen in the priority in the field of karakul sheep breeding to increase rapidly the male lambs which don't satisfy the requirements of sheep market, to get a rational use from the energy of young organism, embedding little labour; pecuniary-technical means and finance to work out the technological system of increasing the productivity as well as profitability and efficiency of the system.

Application degree and economical efficiency: The result of investigation is utilized in karakul sheep breeding plant: “Karnab ota” of Pakhtachi region of Samarkand. The net profit received from one lamb of the II group makes 27151,8 sums while the lambs of the I and controlled group makes 19167,1; 10282,6 sums, profitability level constitutes correspondingly 54,1, 42,1; and 25, 01 percents.

Utilizing sphere: All types of estate forms concerning with karakul sheep breeding.